

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 6-сон



Бош мұхаррір: Наманган давлат университетінің ректоры С.Т.Тургунов

Масъул мұхаррір: Илмий ишилар ва инновациялар бүйічі проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул мұхаррір үринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аззамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзулаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутғуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д., проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник мұхаррирлар: [Н.Юсупов](#), [Г.Акмалжонова](#)

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бүйічі Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида мұхокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва көлтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



НАСИМИЙ ВА ФУРҚАТ ИЖОДИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ

Амонова Зилола Қодировна

Бухоро давлат университети

филология фанлари номзоди, доцент

Тел: +998914106392 e-mail: amonova77@mail.ru

Аннотация: Мақолада озар шоири Насимиининг баҳор тасвирига багишланган газали таҳлилга тортилган. Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида мавқега эга бўлган ижодкор Фурқатнинг ҳам айни мавзудаги газали гоявий-бадиий таҳлил қилинган. Таҳлил давомида Фурқатнинг Насими ижодидан илҳомланиб мазкур газални битганлиги асослаб берилган.

Ключевые слова: Насими, Фурқат, адабий таъсир, бадиий маҳорат, газал, анъана

ОБРАЗ ПРИРОДЫ В ТВОРЧЕСТВЕ НАСИМИ И ФУРКАТ

Амонова Зилола Қодировна

Бухарский государственный университет

Кандидат филологических наук, доцент

Тел: +998914106392 e-mail: amonova77@mail.ru

Аннотация: В статье использован газельный анализ весеннего изображения азербайджанского поэта Насими. Проанализирована газель Фурката на эту же тему, занимающую особое место в узбекской классической литературе. В ходе анализа было заявлено, что Фуркат закончил эту газель, вдохновленный работой Насими.

Ключевые слова: Насими, Фуркат, газел, художественной мастерство, литературная коммуникация

THE DESCRIPTION OF NATURE IN THE CREATIVITY OF NASIMI AND FURQAT

Amonova Zilola Qodirovna

Candidate of Philological Sciences,

Tel: +998914106392 e-mail: amonova77@mail.ru

Annotation: The article draws on a ghazal analysis of the spring depiction of the Azeri poet Nasimi. Furkat's ghazal on the same subject, which has a special place in Uzbek classical literature, has also been analyzed. During the analysis, it was stated that Furkat finished this ghazal inspired by Nasimi's work.

Keywords: Nasimi, Furqat, literary influence, artistic skill, ghazal, tradition

Озар халқининг истеъододли шоири Имомиддин Насими ижодида турфа мавзулар қатори табиат тасвири, унинг гўзаллигига омухта ҳолда ёрнинг мафтункор жамоли ифодаси ажралиб туради. Айниқса, фасллар келинчаги –баҳорнинг гўзаллигига маъшуқа ҳуснининг ташбех қилиниши Шарқ мумтоз адабиётида ўзига хос анъана даражасига кўтарилиган. Насими ҳам шу анъананинг давомчиси ва айни пайтда уни янтилаган новатор шоир эди. Қуийдаги газалда шоир яна баҳор фасли келиб, тоғу сахролар, чаманлар яшил тусга кириб гулираъноларнинг очилганлигини юксак меҳр, ўзига хос интиқлик билан қаламга олади:

Яна фасли баҳор келди – қўқарди тогу сахролар,

Чаманлар ям-яшил бўлди, очилди, гулургаънолар[2, 10].

Ғазалнинг матлаъсига эътибор қаратсан, соғ пейзаж ғазалга хос хусусиятлар намоён бўлади. “Пейзаж ғазал термини остида табиат, бепоён қир-адирлар, дала-боғлар, яшил водийлар тасвири ва унга лирик қаҳрамоннинг оташин муҳаббатини ифода этувчи ғазалларни тущунамиз” [3, 104]. Айни хусусиятлар мазкур ғазалда ўз ифодасини топган.

Маълумки, Насимийижоди Шарқ мумтоз адабиёти шоирлари учун илҳом манбаи саналган. Кўтгина шоирлар унинг асарларида кўйланган мавзу ва ғояларини давом эттирганлар. Ана шундай забардст шоирлардан бири Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқатдир. У Насимиининг юқоридаги пейзаж ғазалига ҳамоҳанг шеър яратган:

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимиштонлар,

Дўйсталар, ғаниматдур, сайд этинг гулиштонлар[4, 52].

Ҳар иккала шоир ҳам биринчи мисрада зимиштон (қиши) тугаб, яна баҳор фасли келганлигини, табиат гўзаллашганлигини мадҳ этган. Аммо Фурқат Насимидан фарқли тарзда матлаънинг иккинчи мисрасида гўзал табиатнинг ғанимат эканлигини уқтириб, дўйсталарни гулиштонларда сайд этиб, гўзалликдан баҳраманд бўлишга чақирган. Фурқат ғазал матлаъсидаги айни мулоҳазалар Насимида ғазал мактасида берилади.

Ғазалнинг иккинчи байтида Насимий гўзал табиат тасвирига мос ҳолда хушсурат ёр таърифини келтиради:

Безанди, ноз билан чиқди хиромон, ўтди сабр айлаб,

Гўзаллар, нозанин ёрлар, малоҳатли – барнолар.

Истеъдодли шоир маъшуқа таърифини келтириш учун маъшуқа сўзининг тўртта (хиромон, гўзал, ёр, барно) таносубини қўллайди. Шулардан ёр ва барно сўзларини сифатлаш (нозанин ёрлар, малоҳатли – барнолар) асосида ифодалайди. Насимий ғазалда табиат ва ёр тасвирини параллел ҳолда тасвирлайди. Бойси, “Кўтгина шоирлар табиатнинг гўзал лавҳаларидан маҳбуба жамолининг тасвири учун фойдаланганлар. Табиат маҳбуба тасвири учун муқояса предмети ёки фон бўлган” [3, 105]. Фурқат эса иккинчи байтда баҳор фаслига хос табиат тасвирини қаламга олган:

Субҳидам тушиб шабнам, бўлди сабзалар хуррам,

Гул уза томиб кам-кам, ёғди абри найсонлар.

Байтда табиатнинг гўзал манзараси бадиий чизгиларда берилган. Яъни субҳидам (тонг чоги) да шабнам тушиб, сабзалар (ўсимликлар)нинг ундан баҳра олганлигини тамсил (субҳидамда шабнам тушибиши)орқали асослаб, ўз фикрларини ташхис (сабзаларнинг хуррам бўлиши) билан бадиий қувватлантиради. Шоир байтнинг иккинчи мисрасида баҳорги ёмғир (абру найсон) нинг гул узра кам-кам томиши билан боғлиқ ҳолатни тасвирлар экан, табиат ҳодисаларидан инсон қалбининг нозик кечинмаларини ҳаракатга келтирувчи восита сифатида фойдаланади.

Насимий ғазалининг дастлабки байтларидаёт маъшуқа жамоли васф қилинади. Унинг пейзаж ғазалида ҳам айни ҳолатни кўриш мумкин:

Битилиса сиғмагай дафтарга асло ҳуснининг васфи,

Малаклар бўлса ёзувчи, сиёҳлар бўлса дарёлар.

Байтда маҳбуба мадҳи ҳақидағи мулоҳазалар берилади. Шоир маъшуқа васфини битмоқчи, аммо бу мадҳ дафтарга сиғмайди, ҳатто дарё сувлари сиёҳ бўлиб, малаклар



ёзувчи бўлса ҳам унинг васфини битиш учун етмаслигини ғулув орқали жуда таъсирчан баён этган.

Фурқат табиат тасвирини жуда жонли, оригинал ташхис орқали ифодалайди:

Настарон ювиб юзни, ёсуман тузиб ўзни,

Наргиз очибон кўзни интизори ёронлар.

Субҳидамда табиат чиройига мафтун бўлган лирик қаҳрамон настарин, ёсуман, нарғис гулларининг юз қўрсатишини завқ билан кузатади. Настарон (гул тури) юзини ювиб, ёсуман (жасмин гул тури) ўзини тузиб, нарғиз (гул) қўз очиши ғазал қаҳрамони қалбида ҳаётга бўлган муҳаббатни кучайтиради. Байтдаги ташхисларнинг кетма-кет келтирилиши фикр таъсирчанилигини ошириш учун хизмат қилган.

Фурқат табиатдаги гўзалликни мадҳ этса, Насимий ёрининг гўзаллигини, унинг хусни малоҳатда тенгсиз эканлигини васф қиласди:

Менинг ёrim гўзал Ҳақ мазҳари хусну малоҳатда,

Унинг хуснига ҳайрондири жаҳонда барча зеболар.

Насимий ижодида инсонни улуғлаш, уни илоҳийлаштириш энг юксак чўққига олиб чиқилган. Мазкур байтда ҳам маъшуқа шу қадар гўзалки, у хусни малоҳатда Ҳақ мазҳари (зоҳир бўлиш, кўриниш) дир. Шоир шеърларида “инсонни илоҳийлаштиради, инсон ва унинг қудратини улуғлаб, уни муқаддас деб ҳисоблайди”[2, 12]. Жаҳонда зеболар кўп, аммо уларнинг барчаси лирик қаҳрамон мадҳ этган ёрнинг хуснига ҳайрондирлар. Насимий лирикасида “инсонни бутун зоҳирий гўзаллиги билан тасвири эта билган” [1, 19].

Баҳор фаслида табиатда бўладиган ўзига хос жиҳатлар борки, улар орқали Фурқат фаслининг гўзал тароватини қаламга олади:

Бир саҳар эдим уйғоқ: ўт тутошти оламға,

Тоғлар чекиб ларза, титради биёбонлар.

Шоир тасвирига кўра, бир саҳар чоғи уйғоқ бўлган, шунда “оламға ўт тутошганилигининг”, яъни чақмоқ чаққанлигининг гувоҳи бўлади. Айни шу пайтдаги табиат ўзгаришларини ташхис (тоғларнинг ларза чекиши, биёбонларнинг титраши) орқали ифодалайди. Баҳор тароватига хусн бағишлайдиганлардан яна бири қумри, булбул каби қушларнинг дилтортар сайрашидир. Шунга алоҳида эътибор қаратган шоир кейинги байтда айни масалани қаламга олади:

Қумрилар қилиб ку-ку, булбул айлабон чаҳ-чаҳ,

Сарв-у гул уза доим тортар оҳ-у афонлар.

Фурқат қушлар сайроғининг тақлид сўз (ку-ку, чаҳ-чаҳ) орқали айнан келтириши билан ҳам жонли тасвири, ҳам таъсирчаниликни таъминлаган. Аммо худди шу байтдан бошлаб, шоир табиат тасвири, унинг гўзалликлари ифодаси билан биргалиқда, ижтимоий масалалар ифодасига ҳам эътибор қаратади. “Шу байтдан бошлаб баҳор васфи тўхтайди. Шоир табиат мадҳини якунлаб, жамият ва шахста оид масалалар тўғрисида фикр юрита бошлайди”[5, 32]. Қумри ва булбулнинг сарв билан гул устида оҳу афон тортиши билан инсонларнинг муаммолари юзасидан нола-ю фифон қилиши назарда тутилган. Мазкур фикрларнинг таъсирчанилиги ташхис (оҳу афон тортиши) орқали таъминлаб берилган. Шоир мулоҳазаларига эътибор қаратсақ, давр ижтимоий ҳолати тасвирини жуда оригинал ташхисларда беради:

Булбул ўқуғоч йиғлаб субҳидам хазон фаслин,



Фунча қон ютуб, юз чок этти гул гирибонлар.

Фурқат баҳорда булбул хазон фасли таърифини йиғлаб ўқиётганида, ғунча қон ютди, гул эса гирибон (ёқа)нини “юз чок” этганигини байтда ифодалайди. Китобхонда ҳақли савол туғилади. Нима учун баҳор фаслида булбул хазон (куз) фаслининг таърифини, қолаверса, йиғлаб ўқиётди? Байт мазмун моҳиятининг ижтимоийлик касб этиши ҳам айнан шундандир, яъни туғилиш, яшариш фасли (баҳор) билан хазон бўлиш, умрнинг якун топиш фасли (куз) тазод сифатида берилмоқда. Бундан шоирнинг мақсади инсоннинг ижтимоий мавқеи ва руҳий ҳолати ифодасини беришдир. Байтдаги тазод, ташхис, муболаға, таносуб санъатлари бирлашиб, кучли драматизмни шакллантирган. Мазкур мисралардан сўнг, бегона байт келтирилади. Айнан мана шу бегона байтда шоир ўз мақсадини аниқроқ ифодалайди:

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутиб савсан

Кийди қўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Вафо аҳли вафодан кечдиларки, бундан савсан (гулсафсар) қўк кийлиб, сунбул зулфини паришон (ёйилган) қилиб мотам тутди. Шоир маҳорати шундаки, ўз мулоҳазаларини тамсил (ҳаётий далиллаш) орқали бадиий ифолайди. Чунки вафодан кечилди, у тутади, йўқ бўлди, ўлди. Бу учун мотам тутилмоқда. Мотамда қўк кийиш ва сочини ёлиш одати мавжуд. Шу ҳаётий мисол гуллар орқали (ташхисда) бетакрор тасвирланган. Бундай ҳолатдан Фурқат азият чекади, димоги қуяди:

Куймасун бу савдода не учун димогимким,

Ранж-у ғуссада доно, кечса шод нодонлар

Шоир фикрларини хulosалайди. Баҳор шодлик ва нағислик фасли бўлса-да, лирик қаҳрамонни хурсанд қилолмайди. Чунки, доно ранж-у ғуссада қолиб, нодоннинг кунлари шод кечмоқда. Байтда ижтимоий-сиёсий вазиятнинг кескинлиги, адолатсизлик ифодаси тазод (ранж-у ғусса – шод; доно – нодон) орқали тасвирланган.

Фурқат табиат тасвири орқали ижтимоий масалалар тарғибига эътибор қаратган бўлса, Насимийда табиат гўзаллиги маъшуқа жамолининг ҳусну латофати таърифини беришда хизмат қилганигини кўриш мумкин:

Гўзалликда ниҳоятсиз дил озиги менинг ёрим –

Ки, ҳар бир ишваси юз минг кўнгил шаҳрини яғмолар.

Шоир наздида ёр гўзаллиги шундай ниҳоятсизки, унинг ҳар бир ишваси юз минг кўнгилни яғмо (вайрон қилмоқ, хароб этмоқ) айлайди. Муҳаббат ва гўзаллик таърифида, албатта, муболағанинг ғулув тури жуда кўп ўринларда хизмат қиласи. Насимий ҳам маҳбуба гўзаллиги мадҳида ана шу бадиий санъат имкониятларидан ўринли фойдаланган. Шоир ғазалда баён этётган мулоҳазаларига мақтада хуласа ясайди:

Насимий ушбу мавсумда кўнгли вақтини хуш тутгин,

Омонатдир жаҳон, беш кун ғаниматдир тамошолар.

Баҳор таровати кўнгилни хушлайдиган, гўзалликларга бой фасл саналади. Ана шу жиҳатдан Насимий “ушбу мавсумда кўнгли вақтини хуш тутгин”, дея қайд этади. Шоир муҳим фалсафий хulosани байтнинг охирги мисрасида қайд этади. Яъни жаҳон омонат, тамошолар “беш кун ғанимат”. Насимий умр ўткинчилигини, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб, китобхон диққатини айни масалага қаратади.



Таҳлиллардан ойдиналашаётирки, Насимий ижодининг Фурқат лирикасига таъсири мавжуд. Ушбу таъсирни ғазаллар таҳлили асосидаги хуласаларда қўйидагича кўриш мумкин:

- 1) Фурқатнинг шеъри Насимий каби пейзаж ғазал бўлиб, баҳор таърифи келтирилган;
- 2) Фурқат ғазалида ҳам Насимий сингари қофиядаги оҳангдошликни сақлаб қолган (саҳролар- гулураръонолар; зимистонлар- гулистонлар);
- 3) Фурқат ғазалида ҳам Насимий сингари инсон умрининг ўтқинчилиги, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланади (Омонатдир жаҳон, беш кун ганиматдир тамошолар - Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар);

Демак, озар халқининг истеъододли шоири Насимий ижоди ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиган. Шоирнинг ўлмас ғоялари, бетакрор ифодалари бир неча асрлар мобайнида ўзбек мумтоз адабиётида адабий таъсирнинг нодир намунаси сифатида яшаб келди.

Хуласа қилиб айтганда, ҳар иккала ижодкорнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари табаит мавзуси билан уйғуналашиб кетган. Ижодкорлар руҳиятидаги кечинмалар, қалб тутёнлари билан табиат ҳодисалари ўртасидаги вобасталик нозик дид ва бадиий тафаккур орқали намоён бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арасли Ҳ. Насимий. Т.: Фан. 1973й.
2. Насимий И. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977й.
3. Носиров О., С.Жамолов., М.Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. Тошкент:, Ўқитувчи, 1979 й.
4. Фурқат. Танланган асарлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975й.
5. Қаюмов А. Шеърият жилолари. Т., Ўқитувчи.1992й.

БАҲШИНИНГ БАДИЙ МАҲОРАТИ

Абдумурод Тилавов, филология фанлари номзоди,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчisi

Аннотация: Нодир истеъодод соҳиби ҳалқ баҳшисининг бадиий маҳорати достонлардаги от образининг тасвири давомида кўринади. Мақолада «Алномии», «Жорхун Мастон», «Нуралиниг ютилиши» достонларидан келтирилган парча ва таҳлиллар орқали ушбу масалага ойдинлик киритилади.

Калит сўзлар: баҳши, Бойчибор, Қоражон, табиат, Гирот, кўнгил, бадиий маҳорат.

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО БАҲШИ

Аннотация: Художественное мастерство талантливого народного баҳши (певца) проявляется в изображении коня в былинах. В статье проясняется проблема через отрывки и анализ эпосов «Алномии», «Джорхун Мастон», «Порожения Нурали».

Ключевые слова: баҳши, Бойчибор, Кораджон, природа, Гират, сердце, художественное мастерство.



**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

10.00.00		
48	Ошибки в письменной работе студентов	
	Хамдам-зода Л	251
49	Sinxron tarjima san'atini egallash strategiyalari	
	Abdullayeva G. G	257
50	Индивидуальные вариации в овладении вторым языком	
	Бобокулова Г.Ш	263
51	Эртак ва унинг тарихига бир назар	
	Имяминова Ш.С.....	267
52	Comparative research of english and Uzbek toponyms	
	Ismatova N.M	270
53	Ingliz va o'zbek lingvomadaniyatida "Happiness" va "Baxt" kontseptining ifodalanishi	
	Jumayeva O.I	275
54	Теория множественного интеллекта и изучение языка	
	Каххорова Ш.Ш	279
55	Tetralogiyaning tadrijiy taraqqiyoti	
	Qo'yliyeva G.N	283
56	Иновационные методы обучения английскому языку для специальных целей	
	Мирходжаева М.И	287
57	Oliy o'quv yurtlarida rusiyabon talabalarga o'zbek tilini o'qitish muammolari	
	Normatova Sh.U	291
58	Abdulla Oripovning "Haj daftari"she'riy turkumi haqida	
	Fayzullayeva O.X	295
59	Feminist yozuvchilar asarlarida badiiy tasvir vositalarini qo'llanilishi xususida	
	Abdullayeva N	299
60	Yetuk o'zbek adibi Isajon Sultonning "Boqiy darbadar" asari misolida tarixiy inversiya	
	Naimova A.M	303
61	Тилшуносликда матн талқини	
	Қозоқова Н.А	308
62	Обучение Английскому языку с помощью литературы	
	Курбонова Ш.Х	312
63	Frazeologiyani o'rganish va inson ruhiy holatini ifodalovchi frazeologik birliklarning chog'ishtirma tahlili	
	Saidova Z.X	316
64	Ўзбек тилида тарз ифода воситаларининг морфологик, синтактик, лексик ва услубий ифодаланиши	
	Абдуллаев А	320



65	Ona tili darslarida o'quv lug'atlaridan foydalanish samaradorligi	
	Tursunova O.F	325
66	Aforizmlar lingvistik tadqiqot obyekti sifatida	
	Akramov I.I	330
67	Насимий ва фурқат ижодида табиат тасвири	
	Амонова З.Қ	335
68	Бахшининг бадиий маҳорати	
	Тилавов А	339
69	Инглиз ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг ўрганилиши ва лисоний хусусиятлари	
	Рузиева Н.З	342
70	Мумтоз жанрда макон ва вақт категорияси (Алишер Навоий шеърлари мисолида)	
	Йўлчиев Қ.В	347
71	Использование лингвистической терминологии при изучении сегментной фоностилистики имени существительного русского, Узбекского и Английского языков	
	Гафуров Б.З	353
72	Biznes turizm terminlarining qiyosiy lingvo-semantik tahlili	
	Gavharoy Isroiljon qizi	357
73	Абдулла Ориповнинг поэтик сўздан фойдаланиш маҳорати	
	Хамдамов А.Н	365
74	Синтаксик фигуralар таснифи	
	Абдулпаттоев М.Т	371
75	Sayyid Qosimiy asarlarida badiiy san'atlar	
	Normurodov O.B	377
76	Frazeologik birliklarning semantik-grammatik va uslubiy xususiyatlari	
	Saidova N. A	380
77	Специфика в изображении образа «кавказского пленника» в русской литературе	
	Юлдашева О	386
78	Сўз" ва "Термин" концептларининг лингвистик таърифлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари	
	Хамдамов Р.М	390
79	Ҳ.Худойбердиеванинг сўзларни кўчма маънода қўллаш маҳорати	
	Юсупова Д.Ю	395
80	Intonatsiya va pauzaning uslubiy xususiyatlari	
	Yadgarova Z.T	403